



АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ҒОЯЛАРИ

Холиқова Анора Абдисатторовна, Тошкент рақамли иқтисодиёт ва сервис техникуми она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, А. Навоий номидаги ТошДўТАУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг маънавий олами, ижодкор сифатидаги сийрати, фазилатлари, қарашлари, юксак инсонпарварлик ғояларидан фойдаланишга доир илмий амалий тавсиялар берилган бўлиб, унинг маърифий дунёси, одоб-ахлоқ концепцияси акс эттирилган.

Аннотация: В данной статье представлены научно-практические рекомендации по использованию духовного мира, образа творца, добродетелей, взглядов и высоких гуманистических идей Алишера Навои. Отражены его просветительский мир и концепция нравственности.

Abstract: This article provides scientific and practical recommendations on the use of Alisher Navoi's spiritual world, personality as a creator, virtues, views, and exalted humanistic ideas. It reflects his educational worldview and moral-ethical concept.

Калим сўзлар: маънавий олам, маърифат, ижодий қарашлар, инсонпарварлик мезонлари-Ватанга садоқат, халққа хизмат, гўзал одоб-ахлоқ.

Ключевые слова: духовный мир, просвещение, творческие взгляды, критерии гуманизм и верность Родине, служение народу, прекрасные нравы.

Keywords: spiritual world, enlightenment, creative views, criteria of humanity — loyalty to the Motherland, service to the people, noble morals.

Алишер Навоий — ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир, давлат арбоби ва шоир. Унинг адабиётдаги қарашлари ва ғоялари



Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига бекиёс таъсир кўрсатган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг серқирра ижоди билан ўзбек адабиётининг юксалишига мислсиз улуш қўшди. Улуғ мутафаккир асарларини мутолаа қилар эканмиз, уларда акс этган, илгари сурилган чин инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётга ошуфталиқ, кенг маънодаги ишқ-муҳаббат ғоялари ўқувчини ўзига мафтун этади. Алишер Навоийнинг илмий тадқиқотлари ва изланишларининг кўп қисми тил ва адабиёт масалалари билан боғланган. Навоий ўзбек адабиётини жаҳон юксаклигига кўтарди ва ўзбек адабий тилига асос солди. Ўзбек адабиётида лирик жанрлар ва дostonчиликнинг энг юқори тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлангандир. Алишер Навоий асарлари ўнлаб халқларнинг тилларига таржима бўлган. Алишер Навоий ижодиётига қизиқиш, уни ўрганишга иштиёқ жуда кучлидир. Мустақиллик бизга барча қадриятларимиз қатори Алишер Навоий меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди. Эндиликда унинг ижодини аслича моҳиятини тушуниб ўрганиш имконияти юзага келди. Мамлакатимизда Алишер Навоий хотираси ва ижоди юксак даражада эъзозланади. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Навоий хилма-хил жанрларда ижод қилган. Унинг сўз заҳираси ниҳоятда улкан эди. Навоий нафақат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирган. Шоир ижодининг қиммати асло пасаймайди. Ҳар бир авлод ундан ўзи учун ниманидир топади. Навоий асарлари халқимиз учун маънавий қувват ва юксалиш манбаи бўлди. Навоий

асарлари жаҳоннинг турли мамлакатларида қайта-қайта чоп этилмоқда. Жаҳон маданиятининг энг яхши дурдоналарига мансуб бўлган Алишер Навоийнинг қудратли ҳаётбахш шеъряти бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолади. Зеро, Навоий ўзининг ҳаёти ва



фаолиятини юрт мустақиллиги ва тинчлиги, ўзбек тилининг бой дунёси учун бахшида этган эди.

Алишер Навоий ҳақли равишда жаҳон маданиятининг мумтоз вакиллари сафидан ўрин олди. Унинг асарлари жаҳондаги юзлаб тилларга таржима қилинди. Дунё аҳли унинг ижоди билан қизиқмоқда ва асарларида тараннум этилган олижаноб ғоялар, фалсафий мушоҳадалардан завқ олмоқдалар.

Алишер Навоий ўзбек халқининг бахтидир. Улуғ мутафаккир асарларида акс этган чин инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётга ошуфталик, кенг маънодаги ишқ-муҳаббат ғоялари ўқувчини ўзига мафтун этади.

Навоий яратган ўлмас асарлар туганмас маънавий мулк сифатида абадий қолди. Ўзбек халқи бу бой мерос билан ҳақли равишда дунёдаги буюк адабиёт яратган миллатлар қаторидан жой олди. Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида мамлакат ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий такомиллашишига катта ҳисса қўшган, илм, фан, санъат ривожига ҳомийлик қилган. Навоийнинг ҳар бир ҳаракатидан фахрланиш туйғусини ҳис этган ҳар бир инсон ўзида эзгуликка бўлган интилишни англаб етиши ва яратиш ишқи билан яшаши керак.

Алишер Навоий қарашларида акс этган ғоялар:

Инсон, олам ва борлиқ фалсафаси.

- ☐ Маънавий поклик, халқпарварлик, маърифатпарварлик.
- ☐ Жамият тараққиёти, шахс камолоти.
- ☐ Кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, вафодорлик.
- ☐ Ишқ, самимий инсоний муносабат, шахснингмуқаддас ва пок тинчликсевар туйғулари, чин инсон, юксак ахлоқ соҳиби, ишқ, ақл-хуш, гўзаллик, дунёни севиш.
- ☐ Моддий олам ва инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, моддий гўзалликларни ўрганиш.



- ☐ Инсоний муҳаббат, фидойилик, юксак фазилатлар.
- ☐ Ватанга муҳаббат.
- ☐ Инсоф, сабр-қаноат, ақл-фаросат, футувват-саҳоват, меҳр-мурувват.
- ☐ Диний бағрикенглик.
- ☐ Инсон саҳовати, саҳийлик, оқил инсоннинг вазифалари, инсонлараро муносабатлар, жамиятнинг маънавий ҳаёти.
- ☐ Инсонлар тарбияси.
- ☐ Жамиятни поклаш, инсонларни тўғри йўлга йўллаш.
- ☐ Замин ободончилиги, халқларнинг осуда ва тинч ҳаёт кечириши.
- ☐ “Комил инсон” концепцияси.
- ☐ Инсон тилининг софлиги, поклиги, қаноат, ҳиммат.
- ☐ Эзгулик, бағрикенглик, одамийлик.

Алишер Навоий асосий қарашлари ва ғояларида тил ва сўзга, чиғатой тилини юксалтиришга ва туркий (чиғатой) тилининг бой имкониятларини кўрсатишга жиддий эътибор берилди. У "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилнинг форс тилидан кам эмаслиги, балки баъзи жиҳатлардан устунлигини исботлади. Унинг бу иши туркий тилида ёзилган адабиётнинг гуллаб-яшнашига замин яратди.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари бўйича унинг асарлари марказида инсон туради. У инсонни оламнинг гултожи деб билади, унинг маънавий камолоти, гўзаллиги, ички дунёсига катта эътибор қаратади. Унинг қаҳрамонлари (Мажнун, Фарҳод, Искандар) орқали муҳаббат, адолат, жасорат каби инсоний фазилатларни улуғлайди. Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари унинг даври учун илғор бўлиб, инсон шаъни ва қадрини юксак тутган.

Алишер Навоий адолат ва ижтимоий тенглик ғоялари бўйича "Хамса" дostonлари, айниқса, "Ҳайрат ул-аброр" ва "Садди Искандарий" асарларида Навоий адолатли жамият қуриш, давлат тепасида турган ҳукмдорларнинг халққа ғамхўр бўлиши, зулм ва адолатсизликка қарши курашиш ғояларини



илгари суради. У адолатни жамиятнинг асосий устуни деб ҳисоблаб, зулмкор ҳукмдорларни кескин қоралайди. Навоий илм-маърифатни инсон камолотининг асосий омили деб билган. У ўз асарларида донишмандлик, билимга интилиш, устозларга ҳурмат каби қадриятларни тарғиб этади. Шоирнинг ўзи ҳам фаннинг турли соҳалари (адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, мусиқа) билан шуғулланиб, бу борада бой мерос қолдирган. Навоий ижодида тасаввуф ва маънавий юксалиш ғоялари муҳим ўрин тутди. Унинг асарларида Аллоҳга бўлган илоҳий муҳаббат, нафсни поклаш, комил инсон бўлишга интилиш каби тасаввуфий қарашлар теран акс этган. "Лисон ут-тайр" достонида бу қушлар тили орқали маънавий изланиш ва ҳақиқатга етиш йўли рамзий тарзда ифодаланган. Навоий ижодида ишқ, ҳам илоҳий, ҳам инсоний муҳаббат сифатида талқин этилади. Унинг назарида, ишқ инсонни маънавий юксалтирадиган, ҳаётга мазмун бахш этадиган буюк кучдир. "Лайли ва Мажнун" достонида бу икки турдаги ишқнинг чуқур фалсафий моҳияти очиб берилган.

Ватанпарварлик ва миллат ғурури бўйича Навоий ўз она тилисининг ривожига қўшган ҳиссаси билангина эмас, балки ўз она юртининг тарихи, қадриятлари ва келажагига бўлган ғамхўрлиги билан ҳам буюк ватанпарвар сифатида танилган. Унинг асарларида ўз халқи, унинг қадриятлари ва тилига бўлган чексиз меҳр яққол намоён бўлади. Ахлокий-дидактик қарашлар йўналиши бўйича Навоий асарларида инсонларни эзгулик, ҳалоллик, камтарлик, мардлик ва саховатга чақирувчи кўплаб ғоялар мавжуд. Унинг "Маҳбуб ул-қулуб" асари ана шундай панд-насиҳатлардан иборат бўлиб, комил инсонни тарбиялашга қаратилган.

Хулоса шуки, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида Алишер Навоий қарашларида акс эттирилган ғояларнинг мазмун ва моҳиятидан фойдаланиши, унинг самарадорлигини билиши муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳаётий тажрибага эга бўлган, етарли билимлар билан қуролланган, таълим оловчиларга нисбатан муаммоларнинг ечимини олдиндан ҳал эта оладиган ва уларни таълим оловчиларга етказиш малакасига эга бўлиши керак.



Шахснинг ақлий салоҳиятини ошириш, унинг талаб-эҳтиёжларини қондиради ва жамият тараққиёти йўлида ижтимоий фойдали фаолиятлар билан шуғулланишига хизмат қилади.

Жамиятимизда юқори билимга эга бўлган малакали кадрларни етиштириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистоннинг таълим соҳасида тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида Алишер Навоийнинг ижодий қарашлари пухта ўзлаштирилса, бу ўз ўрнида ижобий ўзгаришларни юзага келтиради ва ўқув фаолиятининг янгиланишига олиб келади. Натижада ёшларнинг билимга чанқоқлиги, ахлоқий, миллий ғурур, байналминаллик, инсонпарварлик, ўз тарихини билишга қизиқиш, Ватанга муҳаббат ва ундан фахрланиш туйғулари янада кучаяди.

Алишер Навоий адабиётда инсониятнинг энг олий қадриятларини, адолат, муҳаббат, билим, маънавият каби универсал ғояларни тарғиб этган буюк мутафаккирдир. Унинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва ёш авлодни маънавий камолотга ундовчи манба бўлиб хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: “Ўзбекистон” 2016
2. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон” 2017
3. Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар “Сано-стандарт” нашриёти Тошкент-2016.
4. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент: “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1983.